

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ МУЗТОҒИ

Уни эритмасдан барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди



Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Яширин иқтисодиёт иштирокчилар ўртасида ошқора амалга оширилмайдиган, давлат ва жамият назоратидан ташқари, солиқлар тўланмайдиган, давлат статистика органларида кўринмайдиган хуфий иқтисодий фаолият туридир. У кўпинча мол-мулк олди-сотди амалиёти, норасмий ишлаш, хизматларга пул тўлаш жараёнларида намоён бўлади.

Бу иллатнинг қўлами, давлат иқтисодиётидаги улушини аниқ рақамларда ифодалаш мушкул. Уни асосий қисми сув остига яширинган музтоққа қиёсласа бўлади. Аммо унинг тараққиётга зарарини аниқ мисолларда келтириш мумкин. Бунга доир рақамлар салмоғи катта. Шу боис, тараққиёт йўлини тутган давлатлар мунтазам иқтисодиётдаги яширин фаолият улушини камайитириш чораларини кўради. Бундай қилмаса, мамлакат иқтисодиёти ҳалокатга учраган кема каби сув остига ғарқ бўлади. Чунки у ўз ортидан тараққиёт илдизига болта урувчи коррупция, қозғозбозлик, фирибгарлик, нотенг рақобат муҳити каби қатор иллатларни етаклаб келади. Халқ фаровонлиги, давлат ва жамият тараққиётининг асослариға путур етказида.

Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича яширин иқтисодиёт ҳажми 12 триллион доллар атрофида. Бу борада ялпи ички маҳсулотга нисбатан энг юқори фоиз кўрсаткич айрим давлатларда 64,5 фоизга етади. Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сингапур, Венгрия эса энг кам яширин иқтисодиётга эга давлатлар сифатида эътироф этилади.

Улар бу натижага турли йўللار билан эришган. Масалан, араб мамлакатлари энг замонавий технологиялар орқали қаттиқ назорат тизимини яратган бўлса, Сингапур рақамли иқтисодиёт, тузилмали бозор орқали бу масалани ҳал қилган.

Хўш, Ўзбекистон бу борада қандай янги механизм, ташаббус ва лойиҳаларни илгари сурмоқда? Уларнинг самараси реал ҳаётда қай даражада намоён бўлаётми?

Бунда соҳага рақамли технологияларни жорий этиш, қозғозбозликни камайитириш, оқилона солиқ сўраси юритиш, жумладан, турли имтиёз ва рағбатлантиришларни ҳаётга татбиқ этиш ва солиқ юкини камайитириш орқали норасмий фаолият юритувчиларни расмий иш фаолиятига ўтказиш амалиёти олиб борилмоқда. Шу йўналишда ҳаётга татбиқ этилган янги ташаббус ва лойиҳалар натижасида яширин иқтисодиёт улуши 2019 йилдаги 45-50 фоиздан 2025 йилда 35 фоизгача тушиди.

Албатта, қисқа фурсатда яхши натижага эришилган. Аммо бундан ҳам самарадор усуллардан фойдаланиш бугунги кун давр талаби. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида “натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” амалиётига ўтиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш орқали солиқ базасини қўшимча кенгайтириш имкониятидан фойдаланиш вазифалари белгиланган. Бу борада ортга қайтмас ислохотлар жадал кечмоқда.

Айниқса, ўтган йилларда жорий этилган ўзини ўзи банд қилиш тизими кўпбал кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, турли хунар эгалари фаолиятини соядаги иқтисодиётдан реал иқтисодиётга олиб чиқди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзини ўзи банд қилган 6 миллионга яқин шахс мавжуд. Шунингдек, тадбиркорлар ва фуқароларга турли имтиёз ва рағбат бериш орқали уларнинг яширин иқтисодиёт иштирокчиси бўлиб қолишининг олди олинмоқда. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес вакилларидан бир фоизли даромад солиғи ундирилиши ҳам уларнинг фаолиятини расмий ўзанга солишга замин яратмоқда.

Мухим ва самарадор услублардан яна бири аҳолини электрон тўлов тизимларидан фаол фойдаланишга жалб этишдир. Чунки ҳар қандай электрон олди-сотди

Яширин иқтисодиёт қисқариши давлат ва жамият ривож, халқ фаровонлигига катта фойда келтиради. Яна бир муҳим жиҳат, яширин иқтисодиёт бўлмаса, бозор айланмаси мувозанати барқарорлашади.



Таҳлил

Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича яширин иқтисодиёт ҳажми 12 триллион доллар атрофида. Бу борада ялпи ички маҳсулотга нисбатан энг юқори фоиз кўрсаткич айрим давлатларда 64,5 фоизга етади. Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сингапур, Венгрия эса энг кам яширин иқтисодиётга эга давлатлар сифатида эътироф этилади.

амалиётларидан, албатта, из қолади. Бу замонавий механизмнинг ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодиётда яширин фаолият улуши камайишига олиб келади. Бунга турли соҳалардаги ислохотлар натижасида гувоҳ бўляпмиз.

Масалан, Тошкент шаҳрида жамоат транспорти тўлиқ автоматлашган тўловга ўтказилгани натижасида аслида йўловчилар сони 30 фоиз кўп экани кўринди. Рақамлаштирилган деҳқон ва буюм бозорларида тушум 2-3 карра ошди. Реал натижалар электрон тўлов тизимини бошқа соҳаларда ҳам оммалаштириш, содда шаклга ўтказиб, янада қулайлаштиришни тақозо этади. Мухими, бу борада янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу йўналишдаги ишлар ривожини янги босқичга олиб чиқади. Хўжажатда ялпи ички маҳсулотга нисбатан кузатилмайдиган иқтисодиёт улушини 1,3 баравар қисқартириш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳоли томонидан тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш улушини 75 фоизга, иқтисодиётнинг расмий секторига банд аҳолининг жами иқтисодий фаол аҳолига нисбатан улушини 64 фоизга етказиш, Иқтисодий эркинлик индекси ва Коррупцияни идрок қилиш индексида Ўзбекистоннинг ўрни камида 30 поғонага кўтарилишига эришиш каби вазифалар 2030 йилга қадар яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгиланган.

Лекин кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда ушбу хўжажатга асосан йўлга қўйиладиган янги ташаббуслар фақатгина солиқ тушумларини кўпайтиришдан иборат деган турлича талқинлар учрамоқда. Бунинг асосий сабаби янги лойиҳалар мазмунига тўлиқ кириб борилмагани ҳамда яширин иқтисодиётнинг давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсири қўламини кўпчилигимиз тўлиқ англаб етмаганимиздир.

Халол рақобат бўлса...

Ижтимоий ҳимоя кушандаси. Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани мустаҳкамланди. Бу ислохотлар марказида инсон манфаатлари туради, давлат бюджетининг катта қисми ижтимоий соҳаларга йўналтирилади дегани. Шунга мос равишда 2026 йилги давлат бюджети харажатларининг 50 фоизидан ортиғи ижтимоий соҳага қаратилган. Жумладан, таълим харажатлари улуши 25,5 фоиз, соғлиқни сақлашга ажратиладиган маблағ эса 12 фоиз ошиши режалаштирилган.

Яширин иқтисодиёт давлат бюджетига ўз ифодасини топмаслиғи ҳисобига

давлатнинг ижтимоий ҳимоя қобилиятини сусайтиради. Бу кам таъминланган оилалар, ёшлар, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга тўғридан тўғри зарар етказида.

Ёмонликлар “онаси”. Яширин иқтисодиёт, биринчи навбатда, коррупция, таниш-билишчилик иллатларини кучайтиради. Шунинг учун иқтисодиётда бу иллат улушини камайитириш коррупцияга қарши курашнинг асосий талабларидан бири.

Президентимиз ўтган йили 10 декабрда коррупцияга қарши курашиш, комплаенс назоратини такомиллаштириш ва рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги режалар тақдироти билан танишди. Унда коррупцияга қарши курашнинг янги механизмларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича таъсирли ташаббуслар илгари сурилди. Бу, ўз навбатида, соҳалардаги яширин иқтисодиётни ҳам камайтиради.

Яна бир жиҳат — молиявий фирибгарликларнинг тегиримонига ҳам айнан шу унсур сув қуйиб туради. Бундан ташқари, контрабанда маҳсулотлар ёки сотиши тақиқланган, чекланган наркотик, психотроп моддалар ҳамда сифатсиз маҳсулотларнинг ички бозорга чиқарилишига йўл очиб бераётган иллатлардан бири ҳам яширин иқтисодиётдир.

Соғлом рақобат муҳити мувозанати бузилиши. Яширин иқтисодиёт мамлакатдаги соғлом рақобат муҳитини мувозанатдан чиқаради. Айрим тадбиркорлар норасмий фаолият юритиш орқали солиқлардан қочишга уринади. Улар аслида солиқ сифатида тўланиши зарур бўлган даромадни ҳам ўзининг фойдаси сифатида кўради. Демак, қинғир йўлдан бораётган “уддабурон” қонуний фаолият юритаётган тадбиркордан кўра кўпроқ даромад топади. Шу орқали у рақобатда ҳалол тадбиркорга нисбатан устунликка ҳам эга бўлмоқда.

Бундан ташқари, солиқ тўламаслик учун даромаднинг муайян қисми пора ёки бошқа норасмий маблағ кўринишида сарфланади. Бу пул айланмасига зарар келтириб, аҳолининг истеъмол қобилияти пасайишига олиб келади. Шу боис, рақобат муҳити бор жойда тараққиёт ва олдинга силжиш бўлади.

Ишчилар ҳуқуқи хавф остида қолиши. Яширин иқтисодиётнинг яна бир кўриниши аҳолининг норасмий равишда банд бўлишидир. Бундай ҳолатлар ишчилар учун доим зарар келтиради. Масалан, расмий равишда ишламай, иш ҳақини қўлдан олувчи ишчилар кўп ҳолларда алданиши, ортиқча меҳнатга жалб қилиниши, суғурта ва пенсия пулларида қуруқ қолиши ҳеч гапмас. Юқорида қайд этганимиздек, бу борада ўзини ўзи банд қилиш тизими кўпчиликнинг жонига оро кирди.



Инфляцияни кучайтиради. Яширин иқтисодиёт пул айланмаси барқарорлигини бузиб, инфляцияни кучайтиради, миллий валюта қадрсизланишига омил бўлади. Натижада иқтисодий барқарорлик йўқолади. Бу аҳолининг келажакка ишончини сусайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, яширин иқтисодиётнинг жамиятга таъсири кундалик ҳаётимизда сезилмайдигандек кўринади. Аммо унинг кучайиши кўплаб маҳсулотлар муаммоларни келтириб чиқаради.

Электрон тўловлар учун ягона QR-код: ҳам вақтингиз, ҳам нақднингиз тежалади

Президентимизнинг юқоридаги фармониға мувофиқ, жорий 2026 йилдан бошлаб электрон тўлов тизимини оммалаштириш орқали яширин иқтисодиётга қарши курашиш, урчишининг олдини олиш учун назоратни янада кучайтириш тартиблари белгиланди.

Хўжажатга биноан, 2026 йил 1 январдан барча савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар томонидан банкларда генерация қилинган ягона QR-код орқали электрон тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилди. Шу йилнинг 1 июлидан агар тадбиркорлик субъектлари ягона QR-кодлардан фойдаланмаса, савдо қоидаларини бузиш деб ҳисобланади. Ушбу тартиб

истеъмолчиларга янада қулайлик яратди.

Бундан ташқари, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини сезиларли мустаҳкамлайди. Масалан, кейинги йилдан бирор савдо шохобчасига борганингизда сотувчилар сизга терминалимиз ишламапти деган баҳонани айта олмайд. Ёки бизда фақат “Payme” “Click” иловаси ишлайди деб ортиқча овора қилишига йўл қўйилмайди. Ё бўлмаса, тижоратчилар пластик картасига харидингиздан ташқари ўтказма учун яна бир фоиз пул сарфлашингизга ҳожат қолмайди. Бир сўз билан айтганда, бу харидорларнинг ҳам нақди, ҳам вақти тежалишига хизмат қилади.

Шунингдек, олган маҳсулотнингиз сифатсиз ёки амал қилиш муддати ўтиб кетганини билиб қолсангиз, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ташкилотларига асосли мурожаат қила олишингиз мумкин.

2026 йил 1 апрелдан айрим маҳсулотлар ҳамда хизматлар савдоси фақатгина

электрон тўлов тизимига ўтказилмоқда. Бу қатор иллатларнинг ижтимоий ҳаётимизда урчишига тўсқинлик қилади. Масалан, давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг барчаси электрон шаклга ўтказилади. Шунингдек, электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувдан фойдаланганлик учун тўловлар электрон амалга оширилади. Бу давлат хизматчиларининг фуқаролардан қўшимча маблағ ундиришининг олдини олади, коррупцион ҳолатлар камайишига хизмат қилади.

Алкоголь, тамаки маҳсулотлари савдоси фақат электрон шаклда бўлади. Бу амалиёт вояга етмаган шахслар соғлиқ учун зарарли маҳсулотларни яширинча сотиб олишини чеклайди. Электрон тўлов ҳисоботига кўзи тушган ота-оналар фарзандини бу иллатдан олисроқда тутишга уринади. Бу тартиб ички бозорда контрабанда ва сифат назоратидан ўтмаган маҳсулотлар кўпайишининг олдини олади. Акция солиғи тўламасдан тужжорлик қилаётганлар энди қонунни четлаб ўтолмайди.

Шунингдек, транспортларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали аҳолига нефть-газ маҳсулотларини сотиш ва электрда ҳаракатланидиган транспортларни қувватлаш бўйича хизматлар тўлови ҳам фақатгина электрон шаклда бўлади. Кейинги йилларда мамлакатимизда кузқиш мавсумида ёқилғи қуйиш шохобчаларида турли чеклов ва талаблар жорий этилмоқда. Бу талаблар, албатта, аҳолини бир хил даражада энергетика ресурслари билан таъминлаш, яъни адолатли тақсимот учун муҳим. Аммо айрим ҳолларда бу талабларнинг бузилиши кўзга ташланаяпти. Электрон тўлов тизими эса бундай ҳолатларга барҳам беради.

Қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар фақат электрон тўлов орқали амалга оширилади. Хусусан, кўчмас мулк объектлари, ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ошмаган М, N, O ва G тоифага кирувчи транспортлар ҳамда махсус автотранспорт воситаларини сотиш ва сотиб олиш тўлиқ электрон шаклга ўтказилмоқда.

Асорати оғир бўлган фирибгарлик ҳолатларининг энг кўпи уй-жой ва машина савдосида учрайди. Кўп инсонлар ёлғонга ишониб, йиллаб жамғарган пулини фирибгарлар қўлига бериб қўймоқда. Янги тизим эса бундай ҳолатларнинг қисман олдини олади. Фармоннинг мана шу қисми кўпчиликни хавотирга солмоқда. Улар эҳтиёж учун ўз мулкни сотаётганлар солиқдан жабр кўрмайдими дейишмоқда. Аммо Солиқ кодексига кўра, барча ҳам бундай ҳолатда солиқ тўлаш мажбуриятини олмайди. Бунда кўпроқ уй-жой ва машина олди-сотдиси билан шуғулланувчилар бошқа касб эгалари каби даромад солиғини тўлайди.

Бир сўз билан айтганда, электрон тўлов тизимини оммалаштириш, аҳолига қулайлик яратиш билан бирга унинг ҳуқуқларини ҳам мустаҳкамлайди. Хуфий фаолиятнинг олдини олади ва халқ фаровонлиги, давлат тараққиётига хизмат қилади.

Нақдсиз тўловлар ҳажми 75 фоизга етказилади

Ушбу янги механизмлар ва белгиланган қатъий назорат орқали қатор натижаларга эришиш кутилмоқда. Хусусан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулотга нисбатан кузатилмайдиган иқтисодиёт улушини 1,3 баравар қисқартириш ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳоли томонидан тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш улушини 75 фоизга етказиш кўзда тутилган. Иқтисодиётнинг расмий секторига банд аҳолининг жами иқтисодий фаол аҳолига нисбатан улушини 64 фоизга кўтариш ҳам пировард мақсадлардан бири.

Шу боис, соҳалардаги яширин иқтисодиёт улушини камайитириш чоралари натижасини доимий равишда кузатиб бориш масъуллаарнинг асосий вазифаларидан бир сифатида белгиланди.

Умуман олганда, яширин иқтисодиёт қисқариши давлат ва жамият ривож, халқ фаровонлигига катта фойда келтиради. Яна бир муҳим жиҳат, яширин иқтисодиёт бўлмаса, бозор айланмаси мувозанати барқарорлашади. Барчага бирдек фойда келтириб, келажакка ишончимизни ортиради. Шу маънода, янги Ўзбекистонни барпо этишда яширин иқтисодиётга қарши кураш ҳаммамизнинг бирдек вазифамиздир.

Бозор айланмаси барқарорлигининг барчага фойдали эканини куйидаги ҳикоядан ҳам англаса бўлади.

Карз

Кичкина шаҳарчага бир сайёҳ келди ва кичкинагина меҳмонхонага кирди. Меҳмонхона эгасига 100 доллар гаров пули қолдирди ва хоналар билан танишишга киришиб кетди. Меҳмонхона эгаси қўлига тушган нақд пулдан зудлик билан фойдаланишга аҳд қилди. У югуриб бориб қассобдан қарзини узиш учун 100 долларни узатди.

Қассоб ҳам тезда бориб фермердан қарзини олди. Фермер тракторини тузатиб берган устадан қарзини узолмай хуноб бўлиб ўтирганди. Шаҳдам қадамлар билан устага пулни узатди. Уста озик-овқат олавериб, дўконидан 100 доллар қарз бўлиб қолгани эсига тушиб ва дўкончининг олдида юзи ёрув бўлди.

Дўкончи анчадан бери дўконини тазалаб юрган фаррошнинг ойлиғини беролмаётганди. 100 долларни олган фаррош ижара пулини тўлаш учун меҳмонхонага югурди ва хўжайинга пулни узатди. Хўжайин пулни олган пайтда юқори қаавтдан сайёҳ тушиб ва бу хоналар унча тўғри келмаслигини айтиб, пулни қайтариб олиб, жўнаворди. Ҳеч ким ҳеч нарсага эга бўлмаган бўлса-да, бутун шаҳарча қарзларидан қутулган ва келажакка ишонч билан қараётган эди...

